

o'quvchilarini pedagogik ta'lim jarayonida ushbu faoliyatga tayyorlash bugungi kundagi musiqiy ta'lim-tarbiya oldida turgan eng muhim vazifalardandir [5].

Yuqorida ta'kidlaganimizdek, ko'pchilik mutaxassis xor-dirijorlari, pedagog-o'qituvchilarning ta'kidlashlaricha xor bilan ishlashga, shu jumladan bizning tadqiqotimizning bosh muammosi bo'lgan jo'rsiz kuylashga tayyorlash o'ta murakkab va yuqori malakaviy tayyorgarlikni talab qiladi [2]. Bu jarayonda eng muhim quyidagi nazariy va amaliy bilim va malakalar hal qiluvchi rol o'ynaydi:

-xor ijrochiligini tashkiliy tuzulish xususiyatlari haqidagi bilimlarni egallash;

-xor partiyalari ovoz xarakteristikasi (ovoz turlari, diapozonlari) haqidagi bilimlarga ega bo'lish;

-xor turlari, ularning ko'rinishi va ularning tarkibi haqida bilish;

-xor ijrosining asosiy badiiy-ifoda vositalari (jumlasi, dinamikasi, sezura, nafas, tembr, artikulyatsiya, ritm, temp, fermato, o'lchov kabilar) yaxshi bilish, ularni xor ijrochiligi amaliyotida qo'llay olish malakalariga ega bo'lish;

-xorning muhim elementlari-ansambllik, yaxshi sozga erishish, so'z talaffuzi, diksiya, ohang talaffuzi (intonatsiya), to'g'ri nafas olish, vokal tovush barpo qilish bo'yicha yetarli tayyorgarlik va malakasiga ega bo'lish;

-nafas, nafas olish turlari, nafasni ishlatish (zanjir usuli, og'izni yumib va ochib kuylash) holatlari bilan ishlay olish;

-ohangni (tovushni) yo'llash (legato, stakato, markato) usullaridan kuylash qoidalarini, yo'llarini yaxshi egallash;

-xor ishtirokchilarining ovozlari qo'shiq aytishga tayyorlash (ovoz sozlash mashqlari orqali xonandalar ovozi qo'shiq aytish) holatiga keltirish;

-xor ansambli turlarini (xususiy ansambli, umumiy ansambli, to'liq ansambllikni ta'minlovchi gorizontall intonatsiya), ovoz xarakteri (tembri), ovoz kuchining dinamikasi, tovushlar cho'zimi (ritm), harakat birligi (agogiko), talaffuz birligi (diksiya-orfoepiya) va boshqalarni xor ijrosidagi o'rni, ahamiyati va qo'llanish holatlarini yaxshi bilish;

-xor asari fakturasining tuzilishi bilan bog'liq ansambli turlari- unison va oktavali unison ansambli, akkord-garmonik asarlardagi xor ansambli, polifonik asarlardagi xor ansambli, xor va ansambli o'rtasidagi ansambli, xor, jo'r va solist o'rtasidagi ansambllik, ularni xarakterli jihatlarini, xor ijrochiligi amaliyotidagi o'rni va ahamiyati haqidagi zarur bilim, tushuncha, malakalarga ega bo'lish;

-xor sozi, turlari (melodik (gorizontal) va garmonik (vertikal)) haqida soz ustida ishlash uslublari bo'yicha kerakli bilim va malakalarga ega bo'lish;

-xorga ton berish (yuqori pozitsiyada kuylash, interval va akkordlarni to'g'ri talaffuz qilish) asarni o'z tonligida (sozni ko'tarmay yoki pasaytirmay) ijro qilish uchun xorni jo'rsiz uslubda mahoratli kuylay olish malakalarini hosil qilish uslubida ishlash tajribasini egallash, xorga ton berish yo'llarini mukammal egallash;

Xorga ton berish o'ta masuliyatli ish bo'lib, ziyraklik, maxsus tayyorgarlikni talab qiladi. Aytib o'tganimizdek buning uchun xor rahbari yoki musiqqa o'qituvchisi xorga ton berish yo'llarini puxta egallagan bo'lishi lozim. Ba'zida turli asarlarni boshlashdan oldin ham xorga ton beriladi. Masalan ijro qilinadigan turli asar hechqanday muqaddimasiz bo'lib, xor va musiqqa ijroni birga boshlashi mumkin. Xor ishtirokchilari xonandalar asar tonligiga sozlanmagani uchun ular kerak bo'lgan tovushlarga (asar boshlanadigan pardaga) darhol tusha olmaydilar. Shunday paytlarda jo'rli xorga ton beriladi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, musiqiy ta'lim-tarbiya mazmunida xor bo'lib qo'shiq kuylash eng qulay, ommaviy ya'ni o'quvchilarni qamrab oluvchi san'at turi bo'lib xor ijrosi uchun yozilgan asarlar yoshlarni ma'naviy, ma'rifiy estetik ruhda tarbiyalashda kuchli ta'sirchanlik kasb etadi. Bugungi kunda umumta'lim maktab musiqqa o'qituvchilarini xor dirijorligiga tayyorlash dolzarb vazifalardan bo'lib, maktab musiqqa darslarini yuqori sifat va samaradorlik kasb etishida bo'lg'usi musiqqa o'qituvchilarini xor ijrochiligi amaliy faoliyatiga tayyorgarlik darajasi yetakchi omil hisoblanadi.

Adabiyotlar

1. Dirijorlik. Namunaviy fan dasturi. -S.: O va O'MTV, 2022y.
2. Azimov K. O'zbekiston dirijorlari. -T.: G'G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashriyoti 2011yil.
3. Qudratov I. Talabalar va bolalar ashula va xor jamoalarini tashkil qilish va ishlash metodikasi. - Toshkent, Fan va texnologiyalar nashriyoti 2006y. 126 b
4. Ro'ziyev Sh. Xorshunoslik. -T.: O'qituvchi, 1987y.
5. Toshmatov E. Dirijorlik. -T.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2008y.

REZYUME. Oliy pedagogik ta'limning musiqqa ixtisosligidagi amaliy ijrochilik bilan bog'liq fanlar o'quv mashg'ulotlarining o'ziga xos muhim xususiyatlaridan biri shundaki, darslarda talabalarni fan bo'yicha maxsus kompetensiyalarni egallashga yo'naltirilgan vazifalardan tashqari ularni amaliy faoliyatda mustaqil qo'llay olish, ya'ni ijodiy ijrochilik malakalarini egallashlari ham talab etiladi. Bu ayniqsa talabalarni maktab faoliyatiga eng muhim bo'lgan xor ijrochiligiga ko'proq taalluqlidir.

РЕЗЮМЕ. Одной из уникальных важных особенностей учебных занятий по предметам, связанным с практическим исполнением музыкальной специальности высшего педагогического образования, является то, что помимо заданий, направленных на приобретение специальных компетенций по предмету, студентов учат самостоятельно применять их в практической деятельности, требуется также приобретение творческих исполнительских навыков. Особенно это касается учащихся хорового исполнительства, которое является важнейшей частью школьной деятельности

SUMMARY. One of the unique important features of the training sessions of the subjects related to practical performance in the music specialty of the higher pedagogical education is that in addition to the tasks aimed at acquiring special competences in the subject, students are taught to independently apply them in practical activities. It is also required to acquire creative performance skills. This is especially true for students in choir performance, which is the most important part of the school's activities

ТАЛАБАЛАРДА ПОЗИТИВ ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Ш.Э.Якубова – мустақил тадқиқодчи

Урганч давлат университети

Таянч сўзлар: Алишер Навоий, Захриддин Мухаммад Бобур, Жалалиддин Румий, бунёдкорлик, шахслараро ижобий муносабат, тажриба, фидойилик, ватанпарварлик, дўстлик, толерантлик, маънавий олам.

Ключевые слова: Алишер Навои, Захриддин Мухаммад Бабур, Джалалуддин Руми, творчество, позитивные межличностные отношения, опыт, преданность, патриотизм, дружба, толерантность, духовный мир.

Key words: Alisher Navoi, Zahriddin Muhammad Babur, Jalaluddin Rumi, creativity, positive interpersonal relationships, experience, devotion, patriotism, friendship, tolerance, spiritual world.

Талабаларнинг билиш имкониятларини кенгайтириш орқали ўларда позитив дунёқарашни ривожлантириш бугунги кўннинг долзарб масалалар сирасига киради. Мутафаккир аждоқларимиз ўз педагогик таълимотларида таълим олувчиларнинг билиш имкониятларини кенгайтириш орқали ўларнинг дунёқарашини ривожлантиришига алоҳида эътибор қаратганлар. Шў мақсадда шахснинг мантикий фикрлаш фаолиятини ривожлантиришга бўлган ёндашувлар кўлами кенгайтирилган. Ўрта Осиёда яшаб фаолият кўрсатган алломалар мадрасаларда тахсил олаётган талабаларда билимларни ўзлаштиришга рағбат уйғотиш орқали ўларнинг дунёқарашини ривожлантиришга ҳаракат қилганлар. Ушбу меросдан фойдаланган ҳолда олий таълим муассасаларда талабаларнинг позитив дунёқарашини шакллантириш учун етарлича назарий асослар ва педагогик шарт-шароитлар мавжуд.

Бўнинг учун олий таълим мазмўнига мутафаккир аждоқларимизнинг шахс дунёқарашини ривожлантиришга хизмат қиладиган ғоялар ва маданий педагогик моделларни сингдириш зарурияти вужудга келмоқда. Олий педагогик таълим мазмўнида мутафаккир аждоқларимиз томонидан яратилган педагогик таълимотларни сингдириш натижасида талабаларда позитив дунёқарашни ривожлантиришга хизмат қиладиган дидактик модулларни яратиш имконияти вужудга келади. Натижада талабалар позитив дунёқараш ва фаол фуқаролик позициясига эга бўлган мутахассис сифатида фаолият кўрсатишга муваффақ бўлади.

Позитив дунёқарашга эга бўлган талабаларнинг муҳим шахсий сифатларидан бири ижтимоий фаолликдир. Олий педагогик таълим жараёнида талабаларни шахслараро муносабатларга тайёрлаш ўзига хос педагогик жараёнда амалга оширилади. Бўнинг натижасида бўлажак мутахассисларнинг позитив дунёқарашлари кенгайиб билимларни ўзлаштиришда фаоллик кўрсатишга муваффақ бўлади.

Олий педагогик таълим жараёнини талабанинг позитив дунёқарашини ривожлантириш нуқтаи назардан ёндашган ҳолда ташкил этишда дидактик воситалар муҳим аҳамият касб этади. Мазкур жараёнда талабалар истикболдаги ижтимоий, касбий фаолияти учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган билимлар, илмий ахборотлар, амалий фаолият тажрибалари модул шаклида тақдим этилади. Мазкур модуллар таркибида мутафаккир аждоқларимизнинг педагогик таълимотларига алоҳида ўрин ажратиш назарда тутилиши керак. Чўнки мазкур таълимотлар талабаларнинг касбий ҳамда маънавий соҳаларини ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга.

Ўларнинг позитив дунёқарашини мазкур таълимотлар ёрдамида касбий эътиқодга айланади. Аждоқларимизнинг педагогик таълимотини тақдим этиш натижасида талабаларнинг маънавий ахлокий сифатлари, касбий билимлари, дунёқарашини тизимли тарзда ривожланади. Олий педагогик таълим жараёнида талабаларга касбий билимлар ва маънавий сифатларни ҳосил қилувчи ахборотлар тизимли тарзда турли ўқув материаллари таркибида тақдим этилади. Натижада талабаларда бир қатор сифатлар ва дунёқарашнинг асосини тақшил этувчи кўникмалар ҳосил бўлади.

Инсоннинг дунёқарашини ўнинг атроф-муҳитга ва одамларга бўлган муносабатини ифодалайди. Мазкур муносабатни эса касбий ҳамда маънавий-ахлокий йўналишдаги билимлар вужудга келтиради. Талаба томонидан эгалланган кўникмалар касбий-ижтимоий характерга эга.

Аждоқларимиз шахснинг дунёқарашини ривожлантириш учун тажрибалар ўтказиши, лойиҳалар

ўстида ишлаши, мустақил билим олиши, эвристик изланишларни амалга ошириши, тадқиқотлар ўтказиши зарурлигини ўз педагогик таълимотларида алоҳида таъкидлаб ўтганлар ва педагогик фаолиятлари давомида шўнга эътибор қаратганлар. Шахснинг дунёқарашини кенгайтириш педагогик жараёнининг ўз ечимини қўтаётган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Педагогика соҳасидаги тадқиқотларда шахснинг позитив дунёқарашини шакллантириш масаласига қўйидагича ёндашилган:

- шахснинг позитив дунёқарашини ўнда ижтимоий фаолликни вужудга келтирувчи асосий восита сифатида талкин этилади;

- инсоннинг шахслараро муносабатга киришиши, жамиятдаги моддий-маънавий бойликларни кўпайтиришга интилиши, ўзининг ижодкорлигини намоён этиши позитив дунёқарашнинг асосий белгиси сифатида рўёбга чиқади.

Мутахассислар (А.В.Петровский) нинг таъкидлашича талаба мазкур ёндашувларнинг интеграциялашувини таъминловчи фаол ижтимоий субъект сифатида намоён бўлади. Инсоннинг ижтимоий фаоллиги ўнинг дунёқарашини билан бевоқита боғлиқ.

Педагогик энциклопедиясида шахснинг ижтимоий фаоллигига қўйидагича таъриф берилган: ижтимоий фаоллик – ижтимоий субъектларнинг ижтимоий сиёсий жараёнлардаги иштироки, меҳнат ҳамда маданий-маърифий фаолиятининг қўчайиши, қонунда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва бурчларни тўлиқ амалга оширишга интилиши; субъектнинг жамият ҳаётидаги онгли ҳолда мустақил иштирок этиши, ижтимоий-маънавий соҳада вужудга келадиган муаммоларни ҳал этишга қаратилган ҳаракати.

Ижтимоий фаолият шахснинг жамиятда ўз ўрнини топиши ва ҳуқ-атворини онгли равишда асосий шарт ҳисобланади. Ижтимоий фаоллик таълим олувчилар эгаллайдиган билимларнинг кўлами ва сифатига ҳам бевоқита боғлиқ. Ижтимоий фаоллик шахснинг дунёқарашини ўнга таъсир кўрсатадиган омиллар, шарт-шароитлар, қонун-қоидалар, ҳуқ-атвор, ижтимоий ҳамда ўқув фаолият мотивлари, шахснинг қизиқишлари ва маданий йўналишларини ўзида муҷассамлаштиради. Депозитив дунёқараш инсоннинг ички қечинмаларида ўз ифодасини топиб хатти-ҳаракатлар мазмўнини белгилайди.

Талабаларда позитив дунёқарашини шакллантириш мақсадида ўларнинг мустақил билим олиш мотивларини ривожлантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Позитив дунёқарашга эга бўлиш натижасида талабаларда фикрлаш фаоллиги вужудга келади. Бу эса ўз навбатида ўларнинг мантикий ва танқидий фикрлаш имкониятларини кенгайтиради.

Бу эса ўз навбатида талабаларда касбий билимларни эгаллашга нисбатан мотивацияни ҳосил қилади. Бўнда мотивациянинг моҳияти талабаларда билимларни ўзлаштиришда фаолликни вужудга келтиришдан иборат. Талабаларда билиш фаоллигини шакллантиришда қўтилган самарадорликка эришиш учун ўларнинг ҳиссий билиш имкониятларини кенгайтириш талаб қилинади.

Позитив дунёқарашнинг кенгайиши натижасида талабаларда ҳосил бўладиган креативлик, қизиқувчанлик, синчковлик, ўқув материалларни ўзлаштиришдаги фаоллик, ўларнинг касбий ривожланиш траекториясини аниқ белгилаб олишларига қўмаклашади.

Мутафаккирларнинг таълимоти воситасида талабаларнинг позитив дунёқарашга эга бўлишлари натижасида ўларнинг билиш ҳаракатлари фаоллашади. Мутафаккирлар таълимоти асосида талабаларда позитив дунёқарашини шакллантиришга йўналтирилган

педагогик жараён ўзининг назарий тавсифи ва талқинига эга бўлиши лозим.

Шунга кўра талабаларнинг позитив дунёқарашларини мутафаккирлар мероси воситасида шакллантиришга йўналтириган педагогик тизимни назарий жиҳатдан асослаш мақсадга мувофиқ. Бундай позитив дунёқарашга эга бўлиш натижасида талабаларда ўз ўзини ривожлантириш имконияти кенгайди.

Мутафаккирлар таълимоти воситасида талабаларнинг позитив дунёқарашини шакллантиришда муайян технологияларда фойдаланиш талаб қилинади. Бунда технологиялар талабаларнинг касбий ижодий ривожланишларига йўналтирилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Бундай дидактик бирликлар аждоқларимизнинг педагогик фаолиятида ўстувор ўрин эгаллаган бўлиб шахс тараккиётини таъминлашга йўналтирилганлиги билан характерлидир. Бундай технологияларнинг натижада талабаларнинг позитив дунёқарашини кенгайиб фаоллиги, ишчанлиги, ижтимоий маланий моделларни ўзлаштириш имконияти кенгайди. Жумладан, Т.И.Шамова талабаларнинг фаоллигини таъминлашда қўйидагиларнинг муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаб ўтган:

- таълим мазмунини белгиловчи ўқув блокларининг талабалар фаоллигини таъминлашда алоҳида ўрин эгаллаши;

- шахснинг дунёқарашини билимларни фаол ўзлаштириш имконини бериши;

- талабаларнинг дунёқарашини ва билиш фаоллигини таъминловчи билимлар уларнинг ривожланиш динамикасида келиб чиққан ҳолда босқичма босқич тақдим этилиши кабилар.

Талабаларда позитив дунёқарашини шакллантиришда дидактик воситалар билан бир қаторда уларнинг аждоқларимиз томонидан яратилган бадий асарлардаги қаҳрамонларнинг рухий олами, ҳис-туйғу ва кечинмаларини идрок этишлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Талабаларда позитив дунёқарашини шакллантиришда қўйидагилардан фойдаланиш лозим: бахс мунозаралар, муҳокама, диалокка асосланган суҳбатлар, маърузалар, хикоялар ва ривоятлар, талабаларнинг ҳиссий кечинмаларини намоён қилувчи, уларнинг ҳиссий оламига таъсир кўрсатувчи воқеа, ҳодисалар баёни кабилар.

Талабаларда позитив дунёқарашини шакллантиришда ўқув машғулотлари билан бир қаторда мустақил билим олиш жараёнлари ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Талабаларда ҳосил бўлган билим, қўникма, малакалар ва компетенциялар билан бир қаторда уларнинг мавжуд билимлари ва ижтимоий тажрибаларини фаоллаштириш орқали позитив дунёқарашларини кенгайтириш мумкин. Бунинг учун талабалар ўқув материаллари ўстида ишлаш тажрибаси ва топшириқларни ечишга оид фаолият ўсуллари эгаллашларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Талабалар билимларни ўзлаштиришга оид фаолият ўсуллари эгаллаш натижасида қўйидагиларга эришадилар: воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиш, ижобий ва салбий ҳолатларини ўзаро қиёслаш, натижаларни ўмумлаштириш, ўз қарашларини оммалаштириш, ижобий вазиятларни баҳолашга оид топшириқларни ечиш алгоритмларидан ўз ўрнида фойдаланиш кабилар.

Хулоса. Мустақил билим олиш вазиятларида ҳам талабалар топшириқларни ечиш алгоритмларидан фойдаланишлари лозим. Талабаларда позитив дунёқарашини шакллантириш натижасида ўқув фаолиятига нисбатан мотивация вужудга келади. Бу эса уларнинг топшириқларни ечиш фаоллигини ошириб, мазкур ҳаракатни амалга ошириш учун сарфланадиган вақт самарадорлигини таъминлаш имконини беради.

Олий таълим жараёнида талабаларда позитив дунёқарашининг шакллантирилишининг турли усул ва методларидан фойдаланиш имконияти мавжуд. Талабаларда позитив дунёқарашини шакллантириш учун ўқитишнинг самарали шакллари, усуллари ва методларидан фойдаланиш тавсия этилади. Бундай методлар сирасига талабаларни изланишга мантикий фикрлашга ўндайдиган эвристик ҳамда ташкилий фаолиятли методларни қўллаш тавсия этилади. Талабаларда фикрий фаолликни вужудга келтирувчи вазиятларни ташкил этиш орқали уларнинг позитив дунёқарашини ривожлантириш имкониятларини кенгайтириш мумкин. Дидактик характердаги асарларни тақдим этиш натижасида талабаларнинг маънавий олами кенгайтирилади. Бундай асарлар сирасига ёшларни бунёдкорликка ўндовчи асарларни киритиш мумкин. Алишер Навоий, Захриддин Муҳаммад Бобур, Жалолиддин Рўмий каби мутафаккирларнинг асарлари талабаларни бунёдкорликка ўндаш имкониятига эга. Мазкур асарлар шахсларо ижобий муносабат тажрибасини ҳосил қилиш орқали талаба-ёшларда фидоийлик, ватанпарварлик, дўстлик, толерантлик туйғусини ривожлантиришга хизмат қилади. Талабалар бадий асар қаҳрамонлари билан мулоқотга киришиб уларнинг маънавий оламидан баҳраман бўлади.

Бадий асарлар ўстида ишлаш жараёнида муаммоли топшириқлардан фойдаланиш, талабаларни бунёдкорликка ўндовчи вазиятларни лойихалаш, интернировка яъни саҳналаштириш ёрдамида асарларни тўлиқ ўзлаштириш имконияти вужудга келади. Мазкур асарлар талабаларнинг дунёқарашини кенгайтириб, уларнинг мустақил фикрлаш имкониятларини кенгайтиради. Талабаларда позитив дунёқарашини кенгайтиришда тарихий педагогик тажрибалардан фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга.

Интеллектуал жиҳатдан ривожланиш натижасида ўз-ўзини ривожлантириш компетенциясига эга бўлади.

Шунинг учун ҳам олий таълим муассасаларида талаба-ёшларларда позитив дунёқарашга хизмат қиладиган таълим жараёнини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш талаб қилинмоқда. Бундай машғулотлар ҳар бир талабада позитив дунёқарашини шакллантиришга хизмат қилиши, бунинг натижасида улар жамоа ютуқлари учун масъулиятни ҳис қилишлари, эгаллаган билимлари жамият тараккиётига хизмат қилиши лозимлигини англаб етишлари керак. Талабаларда позитив дунёқарашини шакллантиришга йўналтирилган ўқув жараёнини ташкил этиш учун ўқув материалларининг мазмунига эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга. Бу соҳада мутафаккир аждоқларимиз улкан тажриба тўплашга муваффақ бўлганлар. Улар панд-насихат йўли билан ёшларда позитив дунёқарашини шакллантиришга эришганлар. Бунда,

- талабаларнинг маданий меросга нисбатан қизиқишларини ривожлантириш;

- талабаларда мантикий фикрлаш қўникмаларини тизимли тарда таркиб топтириш;

- талабаларни жамоа манфаатлари йўлида ҳаракат қилишга одатлантириш;

- талабаларда тарихий воқелик асосида шахсларо ижобий муносабатларни таркиб топтириш;

- талабаларнинг ностандарт қабул қилишларига имконият яратиш;

- талабаларда ўз қарорлари учун масъулият ва жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш;

- миллий ва ўмуминсоний қадриятларга амал қилиш тажрибасини шакллантириш кабилар муҳим аҳамиятга эга.

Олий таълим муассасаларида талабаларда тизимли фикрлаш тажрибаси ҳосил қилинади. Ўқув жараёнида

миллий-маънавий кадриятлар ёрдамида талабаларда инсоний муносабатлар, ҳис-туйғулар, ҳамдардлик ҳисси ривожлантирилади. Таълим жараёнида талабалар ажодларимизнинг бой маънавий меросидан баҳраманд бўлишлари учун қўлай педагогик шарт-шароитлар вужудга келтирилади. Талабалар ўзлаштирган кадриятларини ҳиссий жиҳатдан идрок этишлари,

назарий қабул қилишлари ва рефлексилар олишлари муҳим аҳамиятга эга. Талабалардаги позитив дунёқараш атрофдагилар билан ўзаро муносабатга кириши натижасида кенгаяди. Бўнинг натижасида талабалар орасида дўстона муносабатлар қўлами кенгаяди.

Адабиётлар

1. Malikova D.M. Improving student's expressive reading and artistic word performance skills // Turkish Journal of Physiotherapy and Rehabilitation; 32(3) ISSN 2651-4451 | e-ISSN 2651-446. PaGES:37656 – 37668 www.turkjphysiotherrehabil.org

2. Машарипова Н.Р. Ўқувчиларда маънавий сифатларни ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари. Science and Innovation International scientific journal Volume 1 issue 6. Uif. 2022: 8.2 Issn: 2181- 3337.P.62-66. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7105342>

3. Safarova R.G. Mutaфakkir ajdodlarimiz merosi ta'lim oluvchilarni intellektual ma'naviy va madaniy jihatdan rivojlantirish manbai // Pedagogika.- Toshkent. 2022 yil 5-son. – B. 6-12

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада Шарқ мутафаккирларининг педагогик таълимотлари асосида талабаларда позитивлик дунёқарашни таркиб топтиришнинг дидактик томонлари ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье описываются дидактические аспекты формирования положительного мировоззрения учащихся на основе педагогических учений восточных мыслителей.

SUMMARY. This article highlights the didactic aspects of creating a positive worldview in students based on the pedagogical teachings of Eastern thinkers.